

Янги Ўзбекистонда ҳар бир инсонга муносиб меҳнат, касб соҳасида ўсиш, дам олиш ва саломатлигини тиклаш учун зарур шароит яратиш – зоят муҳим масала.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA
BIRLASHAYLIK!

2025-yil,
29-noyabr,
shanba
№147
(5211)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ШАНАТОН-КУРОРТ ДАВОЛАШ ВА ТИББИЙ ТУРИЗМНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон касабa уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда шу мавзуда халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди



Давоми 2-саҳифада ➔

Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг «Санатор-курорт даволаш ва тиббий туризмнинг замонавий истиқболлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциядаги нутқи

Ассалому алайкум, ҳурматли конференция иштирокчилари, азиз меҳмонлар!

Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси номидан сизларни «Санатор-курорт даволаш ва тиббий туризмнинг замонавий истиқболлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциямиз ўз иштини бошлаётгани билан самимий қутлашга ижозат бергайсиз. Ушбу тадбир юртимизда касабa уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан ўтказилляпти.

Фурсатдан фойдаланиб, анжуманимизга таширф буюрган кўплаб чет эллик етакчи мутахассислар ва экспертларимизга алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман. Шубҳасиз, уларнинг иштироки тадбиримиз нуфузини янада оширмоқда.

Ўйлайманки, меҳмондўст ўзбек заминида бўлиб ўтадиган ушбу мулоқотлар самарали тажриба алмашиш, санатор-курорт фаолияти амалиётини бойитиш, янги дўстлар орттириш ҳамда келгусидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратяди.

Шунингдек, юртимиз мутахассисларини – халқимиз соғлигини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, олижаноб вазифани сидқидилдан бажариб келаётган барча ҳамкасбларимизни ҳам самимий қутлайман.

Бугун биз касабa уюшмалари тизимидаги санаторийларимиздан бирининг конгресс-холлида энг устувор вазифаларимиздан бири – санатор-курорт соҳаси ва тиббий туризмни тақомиллаштириш масаласини, унинг бугунги ҳолати ва келгуси истиқболларини муҳокама қилиш учун йиғилганмиз.

Мазкур йўналишлардаги замонавий тенденциялар биздан янгича ёндашувлар, инновацион ечимлар ҳамда анъанавий тажрибалар билан илмий-амалий янгиликларни ўзаро уйғун ҳолда бирлаштиришни талаб этмоқда.

Бугун санатор-курорт даволаш ва тиббий туризм нафақат жаҳон иқтисодиётининг ажралмас бўлаги, балки саломатлигини тиклаш, ўз ҳаётининг сифати ва фаровонлигини оширишга интилаётган инсонлар учун муҳим омилга айланмоқда.

Маълумки, ҳар бир давлат ўз имкониятлари ва салоҳиятидан келиб чиқиб, фуқаролари саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга интилади. Зеро, инсон ҳаёти ва унинг қундалик эҳтиёжларидан улурок қадрият йўқ.

Сўнгги 9 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти, мухтарам Шавкат Миромонович Мирзиёев ташаббуси ва бевоcита раҳбарлиги оcтида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган туб ислохотлар қатори соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан, Янги Ўзбекистонда санатор-курорт соҳаси ва тиббий туризм ривожига

алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш, янги ижтимоий объектлар барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини кучайтириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Агар 2017 йили Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси тизимида 17 та санаторий ва дам олиш уйи фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 33 тага етди. Шу билан бирга, ётоқ-жойлар сони 5 мингтадан 8 минггача ошди. Бу эса йил давомида қўшимча 60 минг нафардан зиёд кишига санатор-курорт хизматлари кўрсатиш имконини берди.

Биз фаолият олиб бораётган санаторийлар инфратузилмасини тубдан янгилладиқ. Хусусан, замонавий қўшимча бинолар – даволаш ва ётоқ корпуслари, ошхоналар, маданият ва ҳордиқ чиқариш объектлари, шунингдек, замонавий ёпиқ бассейнлар барпо этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги санаторийларни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш санатор-курорт соҳасининг ривожланиш динамикаси ва талаб прогнозларига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Ушбу вазифани амалга оширишда республика ҳукумати томонидан ажратилган йирик инвестициялар ҳамда касабa уюшмаларининг ўз маблағларидан энг мақбул ва самарали фойдаланиш борасида ҳам сезиларли муваффақиятларга эришилди. Мисол учун, авваллари санаторийлар «номарказлашу» тамойили асосида барпо этилар, яъни ётоқ ва даволаш корпуслари ҳамда зарур бинолар муассаса ҳудудида тарқоқ жойлаштирилар эди. Ҳозир эса халқаро тажриба ва маҳаллий иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, йирик, марказлашган санатор-курорт мажмуалари барпо этилмоқда.

Мухтарам меҳмонлар, эртага ана шундай санаторийларимиздан айримлари билан танишасиз, уларнинг имкониятлари ва инфратузилмасини кўздан кечирасиз.

Шу билан бирга, биз хорижий мамлакатларда ҳам ўз касабa уюшмаларимизга қарашли санаторийларни ташкил этиш чораларини кўрмоқдамиз. Жумладан, Ўзбекистон ҳамда Қирғизистон раҳбарларининг сиёсий иродаси самараси ўларок, 2025 йили Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси томонидан Иссиқкўл бўйида – умумий майдони тахминан 10 гектар бўлган ҳудудда халқаро стандартларга мос, барча шарт-шароитларга эга «Bo‘ston Resort» соғломлаштириш мажмуасининг дастлабки босқичи фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси шу каби курортларни Озарбайжон ва Грузияда ҳам барпо этишни режалаштирмоқда.

Янги санаторийлар ишга туширилиши би-



лан қўшимча бир ярим мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Касабa уюшмаларига қарашли санаторийларда ҳозир тахминан 4000 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг 1200 нафари малакали шифокор ва тиббиёт ходимларидир.

Сўнгги 5 йилда санаторийларда 800 мингдан зиёд фуқаро санатор-курорт хизматларидан фойдаланди. Улардан 320 мингдан ортиги имтиёзли йўланмалар ёки бепул йўланмалар асосида дам олдирилди.

Кейинги йилларда хорижий мамлакатлар фуқароларининг Ўзбекистондаги санаторийларда даволашни ва дам олишга бўлган талаби ортиб бормоқда. Агар 2017 йили касабa уюшмаларига қарашли санаторийларда тахминан 300 нафар хорижий фуқаро дам олган бўлса, 2025 йилга келиб, бу кўрсаткич 6,5 минг нафардан ошиб, асосий қисми қўшни мамлакатлар фуқароларидан иборат бўлди.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар тажрибаси санаторийларимизга замонавий бошқарув ва маркетинг усулларини, шунингдек, илғор даволаш ҳамда соғломлаштириш технологияларини кенг жорий этиш имконини берди.

Бу эса санаторийларга таширф буюрувчилар

сони йил сайин ортиши ва сервис сифати янада ошишини таъминламоқда.

Ўзбекистоннинг ўзига хос иқлим шароити, табиати ва шифобахш хусусиятлари билан Трускавец, Боржоми ва Карлови Вари каби машҳур шифобахш булоқлардан қолишмайдиган минерал сувлари одамларга нафақат ҳордиқ чиқариш, балки саломатлигини тиклаш ва иммунитетини мустаҳкамлаш имконини беради.

Тарихан Ўзбекистон ҳудудида, иссиқ иқлим шароитида сув энг катта бойлик бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Сув бор жойда – ҳаёт бор.

Ўзбекистонда турли хасталикларга даво бўлувчи бебаҳо ерости сув манбалари мавжуд. Александр Македонский юришлари ҳақидаги тарихий манбаларда «абадий ҳаёт манбаи» ҳақида сўз боради. Жанглардан сўнг кўплаб ярадор аскарлар ана шу сув туфайли тузалгани қайд этилади.

Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятидаги ана шундай булоқлардан бири атрофида машҳур «Омонхона» санаторийси барпо этилган. Унинг ўзига хос шифобахш хусусиятларга эга минерал суви ошқозон-ичак тизими касалликларини даволашда катта самара бермоқда.

Шунингдек, XIV асрда Фарғона водийсидаги минерал сувлар буюк саркардамиз Амир Темур

ва унинг қўшини учун жанглардаги жароҳатлардан сўнг тикланиш манбаи бўлган. Бу ривоят эмас, балки бизнинг табиий ва иқлим ресурсларимиз қийматини тасдиқловчи тарихий далиллардир.

Ўзбекистонда фойдаланиладиган минерал сувлар орасида йодобром, сероводород, радон, гидрокарбонат ва кремнийли сувлар энг машҳурларидандир.

Шу билан бирга, «Оқтош», «Зомин», «Заркент», «Сангардак», «Севарсой» каби тоғ-иқлим санаторийларини ҳам алоҳида қайд этиш зарур. Бу ерлардаги бетакрор тоғ ҳавоси, табиат ва сув уйғунлиги нафас олиш аъзолари касалликларидан халос бўлишда беморларга бекиёс фойда келтиради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон касабa уюшмалари санаторийлари мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида муносиб ўрин ва нуфузга эга. Улар аҳоли саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, тиббиёт соҳаси самарадорлигини оширишдек хайрли ишга катта ҳисса қўшмоқда.

Жаҳон тиббиёти асосчиларидан бири, буюк аждодимиз Абу Али Ибн Сино «Табиб нигоҳи – лочинникидек, қўли – қизникидек, ақли – илонникидек, қалби – шерникидек бўлиши керак», деган экан.

Ушбу залда ана шундай фазилатларга эга, умрини инсонларга хизмат қилиш, саломатлигини асраш ва мустаҳкамлашдек олижаноб ишга бағишлаган инсонлар ўтирибди. Уларнинг аксариятини яхши танийман, инсоний фазилатлари, ҳалол меҳнати ва юксак профессионал маҳорати учун чексиз ҳурмат қиламан.

Конференция давомида биз илғор тажриба билан ўртоқлашамиз, муваффақиятли амалиётларни кўриб чиқамиз ва ушбу муҳим соҳанинг стратегик йўналишларини биргаликда муҳокама қиламиз.

Ишончимиз комилки, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида санатор-курорт даволаш ва тиббий туризм соҳасида тиббий хизматлар сифатини янада ошириш, халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган янги ечимларни топа оламиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси бундан кейин ҳам санаторийларимизни мамлакатимизнинг энг илғор ва ишончли соғломлаштириш масканлари даражасига етказиш, уларнинг халқаро нуфузини янада ошириш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўради.

Конференция ишига улкан муваффақиятлар, сиз – азиз иштирокчиларга эса мустаҳкам соғлиқ, оилаларингизда фаровонлик ва одамлар манфаати йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда янги ютуқлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат!

Бефойда сўзни кўп айтма, фойдали сўзни кўп эшитурдин қайтма.
Алишер Навоий

САНАТОР – КУРОРТ ДАВОЛАШ ВА ТИББИЙ ТУРИЗМНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон касаб ва уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда
шу мавзуда халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди



Муносабат

МИНТАҚА КЕЛАЖАГИ УЧУН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Марказий Осиё янги давр бўсағасида» сарлавҳали мақоласи минтақадаги бугунги куннинг долзарб масалаларига, ўзаро ҳамкорлик истиқболларига ҳамда стратегик ривожланиш йўлига бағишлангани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари унда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларни «ҳамкорликнинг янги модели» асосида қуриш зарурлигини таъкидлайди. Бу модель ўзаро ҳурмат, тенглик, миллий манфаатларни инобатга олиш ва очиқ мулоқот тамойилларига таянади. Шу нуқтаи назардан, тақлиф этилган ёндашув минтақа давлатларини рақобатдан қўра, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишонч руҳида бирлаштиришга қаратилгандир.

Мақолада хавфсизликка ёндашув ҳар бир давлатнинг алоҳида эмас, бутун минтақанинг умумий манфаати сифатида қайд этилади. «Хавфсизликнинг бўлинмаслиги» принципи бу борадаги ҳаракатларнинг асоси бўлиши кераклиги таъкидланади. Аслида бу тамойил Марказий Осиёдаги сиёсий барқарорликнинг асосий қафолати саналади. Минтақа хавфсизлиги, барқарорлиги, тинчлиги ва осойишталиги ўз-ўзидан таъминланмайди. Давлатимиз раҳбари бутун минтақа хавфсизлиги учун бирлашишга чорлаб келишининг моҳияти ҳам шунда.

Мақолада иқтисодий ҳамкорлик ҳам устувор йўналиш сифатида белгиланган. Минтақанинг географик жойлашуви, транзит салоҳияти, энергетик ресурслари ва аҳоли бозори – буларнинг барчаси интеграция учун улкан имкониятлар яратди. Шу боис транспорт ва логистика коридорлари, ўзаро савдо алоқаларини эркинлаштириш, саноат кооперацияси, рақамли иқтисод, энергетика соҳасида ягона ёндашувлар каби йўналишлар бўйича ҳамкорликни кучайтириш тақлиф этилади. Бу тақлифлар, шубҳасиз, Марказий Осиёни Евроосиё қўтғасининг муҳим иқтисодий марказларидан бирига айлантиришга хизмат қилади.

“Минтақанинг энг оғир муаммоларидан бири – сув танқислиги ва экологик муаммолар. Қайд этилганидек, икким ўзаро ишчиларига мослашиш, трансеңгравий сув ресурслари ва биологик хилма-хилликни асраш, «яшил» энергетика ва кам уелеродли технологияларга ўтиш бўйича биргаликдаги савй-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Азар бу чора-тадбирлар зудлик билан амалга оширилса, ҳамма давлатлар бир ёқадан бош чиқариб қурашса, экологик ҳалокат олдидан турсан Марказий Осиё барқарор экологик ривожланиш минтақаси ва атроф-муҳитга масъулиятли муносабатнинг намунаси бўлишга қодир.

Давлатимиз раҳбари минтақа етакчилари билан икким ўзгариши, энергетика соҳаси, сув ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, рақамли технологияларни ривожлантириш каби асосий минтақавий таҳдидларга биргаликда ечим топишга интилаётганини, мамлакатларимиз олдида умумий масъулият, ўзаро ишонч ва келажак ҳақида яқдил тасаввурга асосланган ҳамкорликнинг янги уфқлари тобора очилиб бораётганини мамнуният билан қайд этган.

Мақолада тилга олинган яна бир муҳим жиҳат Марказий Осиё халқларини бирлаштирувчи умумий тарихий ва маданий меросдир. Президентимиз фикрича, минтақа фақат сиёсий ёки иқтисодий эмас, балки тарихий-маданий бирликка ҳам эга ҳудуддир. Мақолада минтақа халқларининг умумий тарихи, муштарак маданияти, тақдирлари ўзаро боғлиқлигини чуқур англаш, қўшничилик – хавф эмас, имконият, бир тарафнинг муваффақияти – барчаннинг ютуғи, деган ягона минтақавий маконга мансублик ҳиссини шакллантириш муҳимлиги таъкидланади. Бу ёндашув минтақа давлатлари орасидаги интеграцияни янада чуқурлаштириб, барқарор қилади. Ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон раҳбарининг прагматик позицияси, очиқ ташки сиёсати, қўшнилар билан яқдиллиги, кўп томонлама дипломатия ва амалий ташаббуслари натижасида минтақада бугун ва келажак, барқарорлик ва фаровонлик борасида ўзаро ишонч муҳити шаклланиб улгурди. Буни Президентимиз мақоласини ўқиш жараёнида яна бир бор англайсиз. Унда билдирилган фикрлар, ташаббуслар эса минтақа тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга муҳим дастурлардир. Зеро, мақолада Марказий Осиёнинг ҳамжиҳатлик, очиқлик, иқтисодий боғлиқлик ва умумий манфаатлар асосидаги янги ривожланиш модели талқин этилган.

Шавкат Мирзиёевнинг ҳаётбахш ғоялари минтақа учун фақат назарий концепция эмас, балки амалдаги сиёсий «Йўл харитаси» бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

Ҳаётжон ШАРИПОВ,
Ўзбекистон касаб ва уюшмалари
Федерацияси раиси
маслаҳатчиси

Сўз конференция иштирокчиларига!



Муфтий Заки КАРАГУЛИЕ,
Туркия бальнеология
ва СПА тиббиёти
директорлар
жамияти президенти,
профессор:

– Ўзбекистонга илк бор келишим. Ҳамкорлигимиз улкан салоҳиятга эга эканлигини кўряпман. Сизларда санаторий ва курортлар кўп экан. Келажакда самарали ва муваффақиятли ҳамкорлик қилимиз, деб ўйлайман. Азар бугунгидай учрашувлар, тренинглар ва ўқув-семинарларни тез-тез ташкил қилсак, албатта, ишлар олава силжисди. Ўз навбатида, барча тажрибалиримиз билан ўртоқлашишга тайёرمىз.



Наталья ЗУБАРЕВА,
Россия Федерацияси
Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг Миллий
тиббий тадқиқот
маркази директори:

– Ўзбекистоннинг курорт саноати бой тарихга эга. Минерал сувли санаторийлар жуда қимматлидир, чунки улардан турли касалликларни даволашда фойдаланиш мумкин. Тиббий туризм янги тенденциялардан бири. Бизнинг умумий алоқаларимиз бугунги кунда ҳам муносабатларимизни сақлаб қолиш имконини беради. Россия ва Ўзбекистон фуқаролари сизнинг ва бизнинг санаторийларимизга ташриф буюришдан жуда мамнун.



Жоржио АЛЕССАНДРО,
Швейцария,
FEMTEC делегати:

– Бугунги дунё миқёсида тобора долзарб бўлиб бораётган экологик вазиятлардан келиб чиқиб, яшил макон, сув бўйлиридаги ҳаёт мавзусига бағишланган маъруза билан келдим. Булар инсонлар саломатлиги учун энг муҳим омил саналади. Яшиллик қон босими, нафас йўллари яшилша билан бирга жисмоний фаолликни оширади. Айниқса, аҳолиси кўп давлатлар бу масалага катта эътибор қаратаётти. Янги бинолар, иншоотлар қурилиши мувозанат бузилишига олиб келади. Санаторийлар мавжуд ҳудудларда, тоғли жойларда яшаётган одамларнинг соғлиги тўғриван шаҳарларда яшовчиларникидан кўра фарқи бўлади. Яшил ҳудудлар бизга шунинг учун ҳам керак. Сизнинг юртингизда ҳам яшил маконлар барпо этиши масаласи доимо эътиборда эканидан қувондим.



Екатерина САНИКИДЗЕ,
Тиббиёт фанлари доктори,
Тбилиси бальнеологик
курорти бош шифокори:

– Узоқ йиллар олдин Грузия кўплаб санаторийлар ва соғломлаштириш марказлари билан етакчи курорт зоналаридан бири эди. Ўтган асрнинг 90-йилларидаги инқироз ва замонавий тиббиёт тенденцияси ангаваий ва реабилитация тиббиётини бирмунча вақт ортага сурди. Бироқ полифармация ва қиммат технологияларнинг ривожланиши уларни аста-секин тиббиётдаги муносиб ўрнига қайтаради. Грузия бугун ўзининг тиббий шифо манбалари билан яна тиббий туризм нуқтаи назаридан қизиқарли бўлиб бормоқда. Тиббий реабилитациянинг замонавий дунё стандартларига мослиги муҳим саналади. Ўйлайманки, мазкур халқаро анжуман бу борадаги фаолиятимизни янада такомиллаштиришга ҳисса қўшади.

<<< 1

Бугун юртимизда давлатимиз раҳбари эътибори ва ташаббуси билан санатор-курорт соҳасини модернизация қилиш, табиий шифобахш омиллар асосида даволаш усулларини такомиллаштириш, тиббий туризм соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Дунё ҳамжамиятини улар билан таништириш, мазкур йўналишларда ўзаро тажриба алмашиш ҳамда илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш мақсадида пойтахтимиздаги «Chinobod Plaza» санаторийсида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда 16 та давлатдан 40 нафарга яқин хорижий мутахассислар қатнашишди, мавзуга оид маърузалар тақдим этилди.

Халқаро анжуманининг биринчи кўни конференциянинг тантанали очилиш маросими ва ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Конференцияни Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси раиси Кудратилла Рафиқов очиб берди. У ўз нутқида мазкур анжуман халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни, бугунги раёбатбардош даврда тиббий туризм ва санатор-курорт тизими илмий ёндашув, инновацион технологиялар ҳамда малакали кадрларни талаб қилишини, тиббий туризм жаҳон иқтисодиётининг муҳим йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худайров Қ.Рафиқов фикрларини давом эттирган ҳолда кейинги йилларда тиббиёт, айниқса, санатор-курортлар, тиббий туризмда бўлаётган янгиланишлар ҳақида сўз юритди. Унинг таъкидлашича, Янги Ўзбекистонда янги тиббиёт тизимини ривожлантириш йўлида самарали қадамлар ташланаяпти. Чунки юртимизда инсон кадрини улуғлаш, унинг ҳаётини манфаатларини амалда таъминлашга қаратилган давлат сиёсатида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Энг муҳими, бундай ўзгаришлар натижасини ҳар бир юрtdошимиз ўз ҳаётида ҳис этмоқда. Нафақат пойтахтимиз, балки вилоят ва туманларида ҳам юқори технологик тиббий хизматлар амалга оширилмоқда. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами бўйича халқаро тажрибага асосланган янги модель жорий этилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам эътирофга лойиқ. Мамлакат бўйлаб давлат тиббиёт муассасалари замонавий ахборот-коммуникация жиҳозлари билан таъминланди, ягона рақамли инфратузилма шакллантирилди.

Санатор-курорт хизмати ва тиббий туризм жадал ривожланаётгани, реабилитация марказлари ва курортларда хизмат сифати ошаётгани натижасида ўтган йили мамлакатимизга 62 мингдан ортиқ бемор даволаниш учун келган. Шунингдек, қатор клиникаларда чет эллик мутахассислар фаолият олиб борапти. Бугунги конференция ҳам ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамлашишга хизмат қилади.

Тадбир икки секцияда давом этди. Биринчи секция иштирокчилари «Марказий Осиёда реабилитация ва санатор-курорт тиббиёти», иккинчи секциядаги мутахассислар «Реабилитацияда инновациялар ва интердисциплинар ёндашувлар» масалаларини муҳокама этиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

Санатор-курортлар бошқармаси бошлиги Анвар Аҳмедов юртимизда тиббий хизмат кўрсатишнинг сифати ва қулайлигини ошириш, меҳнаткашлар, хизматчилар, болалар ва бутун аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, сурункали касалликларнинг барқарор ремиссиясига эришиш ва олдини олишни таъминлаш борасидаги

ишлар юзасидан маъруза қилди. У шунингдек, Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфидаги минерал сувлар манбалари ҳақида ҳам маълумот берди. Унга қўра, бугунги кунда 500-3000 метр чуқурликдан чиқадиган, ҳарорати 14°C дан 70°C гача бўлган 34 та минерал сув қудуғи мавжуд. Шундан 18 таси фақат чўмилиш, 7 таси ичиш учун, 7 таси эса аралаш ҳолда қўлланилиши мумкин.

Маърузачи кадрлар малакасини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтди. Тиббий ёрдам сифатини доимий равишда яхшилаш мақсадида 2021 йилдан бошлаб тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш курслари онлайн тарзда, zoom платформаси орқали ўтказилмоқда. Натижада Курортология марказида 150 нафар шифокор ишдан ажралмасдан масофавий таълим олди, республика касбий малакани ривожлантириш марказида 185 нафар шифокор тажриба орттирди. Малака тоифасига эга бўлган ходимлар улуши 72 фоиздан 96 фоизга кўтарилди.

Шундан сўн хорижлик мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Италия Термал тиббиёт ассоциацияси Президенти, Пиза университети профессори Фаусто Бонсинори юқори сифат стандартларига эга термал спа марказлари ҳақида сўз юритди. Италия ва Европада, биринчи навбатда, термал спалар соғлиқка ғамхўрлик қилиш бўлиши билан бирга, маданий, ижтимоий, иқтисодий ва туристик жараёнларга ҳам хизмат қилади. Европадаги 2000 дан ортиқ марказлар ЭАПТС (Европа беморлар ассоциацияси) томонидан баҳоланган. Уларнинг аксарияти миллий соғлиқни сақлаш тизимлари томонидан сувларининг шифобахш хусусиятлари бўйича тан олинган.

Кўпгина штатларда даволаниш тўлиқ ёки қисман соғлиқни сақлаш тизими томонидан қопланади. Термал тиббиёт бу жуда мураккаб бўлиб, нафақат чўмилиш учун минерал сувлардан терапевтик фойдаланиш эмас, бошқа терапевтик воситалардан фойдаланишни ҳам ўз ичига олади.

Беларусь вакили Андрей Каминский Ўзбекистон билан узоқ йиллик алоқалар хусусида сўз юритар экан, касаб ва уюшмалари томонидан ташкил этилган тадбирларда кўп бор қатнашганини эслади.

– Бугунги анжуманда «Санатор-курорт даволашда гиперболик оксигенациянинг роли» ҳақидаги маъруза билан иштирок этипман, – деди у. – Биз ушбу тажрибани Минск шаҳри яқинида жойлашган Криница санаторийсида қўладдик. У ерда фақат энг илгор усуллардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Шулардан бири курорт муассасалари орасида биринчи гиперболик оксигенация бўлимининг очи-

лиши бўлди. Биз ундан икки йилдан бери жуда муваффақиятли фойдаланиб келмоқдамиз. Бугунги конференция бизга тажрибаларимизни янада ошириш, ўртоқлашиш имконини берди. Ва яна айтишни лозимки, сизнинг улугвор табиатингизга бефарқ бўлишининг иложи йўқ. Шу боис ҳар галги таширфларимиз хотирамизда қолади.

Вакилар билан суҳбатлашганимизда, Ўзбекистондаги санатор-курортлар фаолиятидаги ўзгаришлар ва янгиланишларни алоҳида эътироф этишди. Хусусан, Бутунжаҳон гидротерапия ва климатотерапия Федерацияси халқаро алоқалар департаменти директори Наталья Чаурская Ўзбекистонда касаб ва уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан ташкил этилган бундай кенг қўламли тадбирга тақлиф этилгани учун миннатдорчилик билдирди.

– Бугунги йиғилишда тингланган маърузалардан кўриниб турибдики, юртингизда касаб ва уюшмаларининг курорт бизнеси ривожланиб ва мустаҳкамланиб бормоқда, – деди у. – Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожланиди. Дам олиш масканлари ва тиббий туризми ривожлантириш салоҳияти жуда катта.

Конференция қизиқарли ва фойдали маърузаларга бой бўлди. Якунда санатор-курорт соҳасини ривожлантиришга оид илмий тақлифлар, амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, Италия ва Туркиянинг бальнеология ассоциациялари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузилди. Халқаро ҳамкорлик бўйича меморандумлар имзоланди. Шу билан бирга, тиббий туризмни ривожлантириш бўйича янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

Кеча хорижлик мутахассислар «Севарсой» ва «Оқтош» санаторийлари фаолияти билан ақидан танишдилар. Меҳмонларга сўнгги йилларда Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси томонидан янги санаторийларни барпо этиш ва фойдаланишга топшириш, мавжудларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, қайта жиҳозлаш ва инновацион даволаш технологияларини жорий этиш борасида амалга оширилган тизимли ишлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Халқаро илмий-амалий анжуман доирасида бугун хорижий экспертлар учун Самарқанд шаҳрига маданий-туристик саёҳат ҳам ташкил этилади.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА,
Эъзоа УМУРЗОҚОВА (фото),
«ISHONCH» мухбирлари

«Ishonch»нинг Youtubeдаги саҳифасида мавзуга доир видеолавлар билан танишиш учун қуйидаги QR кодини сканер қилинг:

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA:
"SANATOR-KURORT DAVOLASH VA TIBBIY TURIZMINI ZAMONAVIY ISTIQBOLLARI"

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ:
"СОВРЕМЕННЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ САНАТОРНО-КУРОРТНОГО ЛЕЧЕНИЯ И МЕДИЦИНСКОГО ТУРИЗМА"

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE:
"MODERN PROSPECTS OF SANATORIUM-RESORT TREATMENT AND MEDICAL TOURISM"

27.11.2025
TASHKENT, UZBEKISTAN

**ТОШКЕНТДА 16 ДАВЛАТНИНГ
САНАТОР-КУРОРТ МУТАХАССИСЛАРИ ЙИГИЛДИ**

Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқдир.

Абдурауф Фитрат

ҚУТЛУҒ ЙЎЛ



25 ноябрь. Бу кун ургутликлар ҳаётида, туман тарихида шонли сана сифатида ёзилди.
Президент Ургутга келди. Давлат раҳ-бари поездда ташриф буюрди Ургутга. Ургутликлар, самарқандликлар нихоятда шод бўлди бу кутлуғ қадамлардан. Бугун Ўзбекистон аҳли ислохотлар самарасини кўрди бу ташриф давомида.
Ургутга поезд келиши, жуда узоқ йил-лик орзу эди туман аҳли учун. Бу ҳақда давраларда гапирилар, лойиҳалар ўр-тага ташланар, аммо улар сўзларда-ю қоғозларда қолиб кетаверар эди...
Бугун шу орзу ушалди. Бундан, айниқса, кейинги вақтларда тadbиркорлиги ривожланиб кетган, катта sanoat зонасида шижоат билан фаолият юритаётган иш-билармонлар бениҳоя мамнун бўлдилар. Ахир бекорга айтилмаган-да, темир йўл борган жойда тараққиёт гуллайди, деб. Давлатимиз раҳбарининг «Ургут» эр-кин иқтисодий зонасидаги корхоналар-нинг экспорт ва импорт имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ургут туманига темир йўл тортиш ташаббусида ана шун-дай эзгу мақсад мужассам эди.

ЭЗГУ НИЯТ РЎЁБИ
Ташаббус тезда амалга ошди. «Тоштемир-йўллойиҳа» масъулияти чекланган жамия-ти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асо-сида атиги ўн ойда бу ишлар бажарилди. Икки жуфт шахарлараро йўловчи ва тўққиз жуфт юк поездлари қатновини таъминлайдиган янги йўналишда йилгига 359 минг йўловчи ҳамда 8,2 миллион тонна юк ташиш имконияти яратилди.
– 55 километр масофадан иборат янги йўна-лиш темир йўл соҳасида улкан аҳамият касб этиши баробарида Самарқанд, Жомбой, Тойлок, Пастдарғом ва Ургут туманлари аҳолиси учун хавфсиз ва замонавий транспорт хизмати сифа-тини юксалтиради, – деганди лойиҳа тақдимо-тида «Темирйўл лойиҳаси» масъулияти чеклан-ган жамияти директори Расулжон Рўзиев.
Жомбой туманидан бошлаб ётқизилган пўлат излар ўнлаб кишлоқлар оралаб Ургутга келди. Йўл-йўлакай иккита замонавий вокзал, Ургут шаҳри ва «Ургут» иқтисодий зонасида ик-кита юк станцияси, иккита темир-бетон кўприк барпо қилинди. Кўшни Тожикистон билан чега-радош «Жартепа» чегара божхона пости яқинида қурилган бекат қардош юрт фуқаролари узоғини яқин қилишда ҳам асқатишга ҳеч шубҳа йўқ.
Йўл нафақат иқтисодиёт қон томири, балки фаровонлик мезони ҳамдир. Темир йўл атро-фини ободонлаштириш, инфратузилмасини рив-ожлантириш, йўловчиларга қатор қулайликлар яратиш ташаббусига қўшилган ишбилармонлар ҳам оз бўлмади. Хусусан, тadbиркор Анвар Теми-ров ташаббуси бунга яққол мисолдир. У 5 гектар майдонда темир йўл ва автовокзал, IT парк, 200 ўринли меҳмонхона, 300 ўринли хусусий мак-

таб, 200 ўринли мактабгача таълим муассасаси, оилавий поликлиника ва тураржой мажмуалари бунёд этилишига ўз ҳиссасини қўшди.
Янги поезд йўлининг йўловчиларидан бири бўлиб Ургутга борган Президентимиз сафар чоғида темир йўл инфратузилмасини ривожлан-тириш, йўловчилар учун афзалликларни кенгай-тириш, темир йўлни электрлаштириш, ҳудуд-ларни ободонлаштириш юзасидан мутасадди-ларга қўшимча топшириқлар берди.

ЮКСАЛИШЛАР ДАВРИ
Ургут Самарқанд вилоятининг энг кўп аҳоли яшайдиган тумани ҳисобланади. Аммо бундан беш-олти йил илгари бу заминда биттагина sanoat корхонаси, у ҳам бўлса, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мослашган «завод» бор эди. Ярим миллиондан ортққ аҳолига эга ҳудуд аҳли эса иш излаб, бош-қа ҳудудларга кетишга мажбур бўларди.
Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори билан бугун ҳудуд sanoat зонасига айланди, минглаб одамлар ишли бўлди, рўзгорига барака кирди, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланди.
Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эр-кин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғри-сида»ги фармониغا кўра, Самарқанд вилоят-ининг Ургут, Пастдарғом ва Нуробод туманла-рида 816 гектар ер майдонига эга бўлган «Ургут» эркин иқтисодий зонаси ташкил этилди.
– «Ургут» эркин иқтисодий зонасида даст-лабки тўрт йилда умумий қиймати 302,7 мил-лион АҚШ долларига тенг 63 та лойиҳа ишга туширилиб, 4 мингдан ортққ янги иш ўрни яратилди, – дейди sanoat зонаси директори ўринбосари Абдуғаффор Мадаров. – Мазкур кор-хоналар томонидан биргина 2022 йилнинг ян-варь-апрель ойларида 1298,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 29 миллион АҚШ доллари миқдоридagi қисми экспорт қилин-ганди. Давлат бюджетига 108,1 миллиард сўм солиқ ва бошқа тўловлар амалга оширганмиз. Босқичма-босқич ривожланиш тизимли давом эттирилмоқда. Масалан, охириги икки-уч йил ичидa иқтисодий зонамизда қиймати 402 мил-лион доллардан зиёд 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 313 миллион долларлик 55 та лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш бошланди. 4,5 мингдан зиёд киши иш билан таъминланди.
Дарвоқе, sanoat зонасидаги корхоналар то-монидан газ плиталаридан тортиб, енгил sanoat ва чарм-пойабзал товарларигача, гилам, гигиена воситалари, электр техника анжомлари сингари 220 турдаги маҳсулотлар тайёрланиб, дунё бозо-рига чиқарилмоқда. Шунингдек, 2023-2026 йил-ларда янги ҳудудларда 1,7 миллиард долларлик 410 та, импорт ўринини босувчи, экспортбоп маҳ-сулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган инве-стиция лойиҳалари прогнози ишлаб чиқилган. Натияжада 25 мингдан ортққ иш ўринлари яра-тилди.
– Фаолиятимизнинг илк босқичида чет элдан келтирилган ярим тайёр бутловчи буюмлар асо-сида бир неча турдаги маийшй техника восита-ларини йиғишни бошлаганмиз, – дейди «Fette Gtocr» корхонаси раҳбари Акмал Аҳмедов. – Айни чоғда музлаткич, газ плита, кичик печь, чангюткич ва дудбурон, бошқа уй-рўзгор буюм-лари, замонавий темир эшиклар ишлаб чиқа-риш бўйича нафақат мамлакатимизда, балки

Президент ташрифи таассуротлари

яқин ва олис хорижда ҳам ўз мавқеимизни мус-таҳкамлаб олдик. «Dorsa», «Kleo», «Fette» каби брендлар остида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғидаги маҳсулот-ларимиз ўнга яқин давлатга экс-порт қилинаётир. Айни пайтда корхонамизнинг йиллик қув-вати ўртача 440 миллиард сўмлик 250 минг дона маҳ-сулотни ташкил этаяпти.
Маҳсулотининг қа-рийб 85 фоизини маҳал-лийлаштиришга эриш-ган корхона, дунёдаги етакчи «Embraco», «LG», «DOW», «Midea» каби компаниялар материал-лари ва бутловчи қисмла-ридан фойдаланишни йўлга қўйган.
Корхонадаги ишлаб чиқа-риш жараёнини кузатган Президент Шавкат Мирзиёев кор-хона масъуллари ва мутахассислар билан суҳбатлашиб, халқаро стандартларга мос маҳ-сулотлар турини ошириш ва хориж бозоридagi ўрнини янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъ-кидлади. Бу борада давлат томонидан яратиб бе-рилган имконият ва имтиёزلардан унумли фой-даланиш зарурлигини уқтирди.

ИШГА СОЛИНМАГАН ИМКОНИЯТЛАР ҲАЛИ КЎП
Викорли тоғлар этағида жойлашган Ургут шаҳрида аҳоли тигиз яшайди. Маҳалла-ларда канализация, ичимлик сув, таълим, бизнес инфратузилмаси билан боғлиқ ечилма-ган муаммолар бир талай. Айниқса, шаҳар кў-чаларида муттасил тирбандлик. Қадам босишга жой топилмайдиган йўллар бисёр.
Президентимиз бу муаммоларни бартараф этиш юзасидан ҳам таклиф берди. Эндиликда «Қўйи Камангарон» маҳалласида «Янги Ўзбекис-тон» массивига туташ майдонда 90 гектар қў-шимча ер ажратиладиган бўлди. Бу ҳудудда 100 минг аҳолига мўлжалланган замонавий эко-шаҳар барпо этилади. Янги ҳудуднинг 3 гектар майдонида туман ташкилотлари маъмурий мар-кази қад ростлайди. Бу эса шаҳар марказини тирбандликлардан холи қилиш, туризм индус-триясини янада ривожлантиришга кенг имко-ниятлар яратади.
– Шароит тақозоси туфайли туман марка-зидаги турли давлат ва нодавлат идоралари, банкларда бўлишимизга тўғри келади, – дейди «Ургут Чина Картон» корхонаси раҳбари Али-шер Бахриев. – Вақтимизнинг катта қисмини тирбанд ҳолатга тушиб қолган йўлда ўтказамиз. Эндиликда Янги Ўзбекистон қиёфасидagi янги шаҳарнинг қурилиши катта имкониятларга эшик очишга шубҳа қилмайман.
Давлат раҳбари ташрифи доирасида илгари сурилган ташаббуслардан бири бу туризмни рив-ожлантиришдир. Гарчанд туманда туризм ин-дустриясини ривожлантириш борасида ишлар бошланган бўлса-да, кутилган натижани бер-ганича йўқ. Дастлабки ҳисоб-китобларга қара-ганда, Ургутга жорий йил мобайнида 500 минг хорижий ва бир миллионга яқин маҳаллий сай-ёҳлар келган.
Учрашувда туман тadbиркорлари Зарафшон тоғ тизмасида жойлашган «Қоратог» зонасида 600 гектар майдонда туризм зонасини ташкил этиш ташаббуси билан чиқишди. Эндиликда «Қоратепа» сув омбори атрофида кемпинг ва капсула уйллар қурилиб, «Эко шаҳарча» барпо этишга, сайёҳларнинг йил давомида қадами узилмайдиган жойга айлантиришга тайёргар-лик бошланди.
Ургут ерларининг аксарини яйлов ва тоғли ҳудудлар ташкил этади. 112 минг гектар май-доннинг 62 минг гектарида чорвачиликни рив-ожлантириш мумкин. 40 минг гектарлик яй-лов ерларининг атиги 1,5 минг гектаригина чорва ҳўжаликлари тасарруфига топширил-ган, холос. Ҳудудда чорвачиликни ривожлан-тириш гўшт етиштириш бўйича вилоят эхтиё-жининг ээлик фоизини қоплаш мумкин бўлган бир шароитда бу имконият ҳавога соврилиб келган. Мутасаддиларга туманда 40 минг бош қўй-эчки бўйича лойиҳани молиявий манба-лар билан ҳал қилиш, яйловларни ўзлашти-риш бўйича Ургутга мутахассис олиб келиш топширилди.
Ургут – имкониятлар маскани. Агар ҳар бир юмш тўғри ташкил этилса, бу ҳудудда кам-бағалик ва ишсизлик нихоятда камайишига барча шароитлар бор. Бу кўп жиҳатдан мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга боғлиқ.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Бунёдкорлик

Яқинда Бекобод туманида азим Сирдарё устига қурилган янги кўприкнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу иншоотнинг фойдаланишга топширилиши маҳаллий аҳолининг узоғини яқин, мушқулчини осон қиладиган тарихий воқеа бўлди. Шу боис тadbир катта байрамга айланди. Карнай-сурнай садо-лари ва «Нилуфар» халқ фольклор ансамблининг чиқишлари иштирокчи-ларнинг оммавий рақсларига уланиб кетди.

БАХТ КЎПРИГИ



Дарвоқе, йўллар ва кўприклар икти-содиётнинг қон томирларидир, шунингдек, кўнгил ришталарини боғловчи, ўзаро меҳр-оқибатни янада куч-айтирувчи омиллардан биридир. Аммо Сирдарёнинг чап соҳилидаги ўнга яқин кишлоқда яшовчи 35 мингдан ортққ аҳоли ўнг томонда жойлашган туман марка-зидаги турли ташкилот-идораларга, қа-риндош-уруғлариникига Бекобод шаҳри орқали айланиб бориб-келишарди. Бу-нинг учун 50-60, ҳатто 70 қақиримча йўл босиб, ортққча маблал ва вақт сарфлашга мажбур бўлишарди.
Шу боис дарёга кўприк қуриш маса-ласи йиллар давомида бир неча бор қўта-рилди. Жўмладан, 1989 йили туманнинг ўша даврдаги раҳбари, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Жаҳонгир Шарипов шундай хайрли ишга қўл урди. Лойиҳа-смета ҳужжатлари, пул манбалари ҳал эти-либ, дарёнинг энг қисқа кечув жойига бе-тон устунлар ўрнатилга бошланди. Бироқ собиқ Иттифоқ таназзулга учрағач, бу бо-радаги бунёдкорлик ишлари тақа-тақ тўх-тади. Кейин ўтиш даврининг қийинчилик-лари, айрим ҳолларда мутасаддиларнинг лоқайдлиги туфайли муаммо ўз ҳолича қо-либ кетди.
Охириги пайтларда эса, раҳбарлар тез-тез алмашиши кузатилди. Бу туманнинг икти-содий ва ижтимоий ривожига салбий таъсир кўрсатди. Қарабсизки, у қолок, инфратузил-маси ночор ҳудудга айлана бошлади. Бундан хабардор бўлган Президентимиз томонидан жорий йилнинг апрель ойида туман ҳокими лавозимига муқаддам республика миқёси-даги нуфузли идораларда ишлаб, бой таж-риба орттирган, ташаббускор ва ишбилар-мон ёш инсон – Зайнилобиддин Низомид-динов тавсия этилди. Унинг зиммасига Бекободни 2-3 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқнинг турмуш фаро-вонлигини ошириш бўйича республикада етакчи туманлар сафига қўшиш вазифаси юклатилди.
Янги ҳоким мавжуд муаммоларни атрофича ўрганиб, бартараф этишга ки-ришди. Чунончи, давлатимиз раҳбари кўрсатмасига кўра, июнь ойида юқорида тилга олинган, смета қиймати 72 милли-ард сўмлик кўприк қурилишига start бе-рилди. Кўприксозлар ва йўлсозлар кеча-ю кундуз сидқидилдан меҳнат қилдилар. На-тижада лойиҳада белгиланган ишлар ўз муддатида – 4 ойда бекаму кўст бажарилди.
Замонавий кўприкнинг узунлиги 210 метрни, эни 11,5 метрни ташкил қилади. Икки томонига чиройли пиёдалар йўлак-часи ва тунги ёритиш мосламалари ўрна-

тилган. Қурилиш асноси 6 километрлик йўл ҳам мукаммал таъмирланди ва четла-рига манзарали даракт ниҳоллари ўтқазил-либ, ободонлаштирилди.
– Авваллари дарёнинг ўнг соҳилига кеч-ув орқали пиёда ёки отларда ўтардик. Сре-тенко кишлоғидagi туман касалхонасига борадиган пайтларимиз дарё суви қўта-рилиб, одамларни оқизиб кетган ҳолатлар ҳам бўлган, – дейди Туркман кишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Тоир Янгибоев. – Кейинги вақтларда эса туман марказига Бекобод шаҳри орқали автоуловда бориб келиш учун салкам бир кунлик вақтимиз кетарди. Эндиликда замонавий кўприк ва таъмирланган йўл шарофати билан ора-даги масофа 30-35 километрга қисқарди.
Янги кўприк йилгига 15 мингта автомо-били ўтказиш қувватига эга. Шунингдек, у бир йилда 8 миллиард сўм маблагни те-жаш имконини беради. Икки муҳими, бу иншоот Сирдарёнинг энг қирғоғида яшовчи қариндош-уруғлар ва ошна-оғай-нилар ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳар қачонгидан-да мустаҳкамланишига хизмат қиялпти. Зеро, ҳозир улардан қай бири билан суҳбатлашманг, Президентим-из юритаётган сиёсатдан мамнун экан-лигини айтиб, халқимиз тинчлиги ва фа-ровонлиги бардавом бўлишини тилайди.
Мен кўприкнинг очилиш маросимига қатнашган пайтм қалбимда жўш урган туйғуларни қуйидаги мисраларда ифода-лагим келди:

*Бекободга янги замон эпкини келди қириб,
Эзуликка қўл урилди дарёга кўприк қуриб.
Чап соҳилда қолган эди ўтпти беш минг аҳолимиз,
Марказга келардилар етмиш беш газ йўл юриб.*

*Кўприк узра ястанади текис, равои янги йўл,
Гўё ишкала соҳил бир-бирига берав қўл.
Энди йўқ йўл азоби, борди-келди қўпаяр,
Одамлар ўртасида оқибат ҳам бўлар мўл.*

*Сизга тенгсиз тасанно, кўприксозу йўлсозлар,
Қўну тун ишладингиз, барақалла, шоввозлар!
Сиз туфайли доимо манзиллар бўлган яқин,
Шаънингизни мадҳ этар бугун қўшиқ ва созлар.*

*Бу кўприк узоқ кутган халқ мақсад-муддаоси,
Раҳбарнинг эл дардига малҳумин ифодаоси.
Йўлар туташиб йўлга, диллар туташиб дилга,
Янги маррага чорлар қариялар дуоси.*

*Кўприк ташаббускори юртим дея ёлмоқда,
Халқ ичидa ўзни топиб, қалбга қириб бормоқда.
Бекободлик юртобдилар беши маҳаммрок байлаб,
Осойишта Ватанда истиқболни қўймоқда.*

Каримқул МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Қарор ва ижро

Республикаимизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш йўналишида олиб бoрилаёт-ган тизимли ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Буни ушбу иллатга батамом барҳам бериш, ва-зирлик ва идораларда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мақсадида қабул қилиниб, амали-ётга татбиқ этилаётган ҳуқуқий–метёрий ҳужжат-лар, давлат дастурларининг роли беқиёс.

Кишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам коррупцияга йўл қўй-маслик учун зарур чора-тadbirlар қўрилмоқда. Ху-сусан, ўтган давр мобайнида Бош прокуратура билан ҳамкорликда «Кишлоқ ҳўжалиги вазиpлиги тизимида кор-рупциянинг олдини олиш бўйича 2025 йил якунига қадар

мўлжалланган йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Унга асосан, учта йўналишда ўрганишлар олиб бoрилиб, метёрий–хуқуқий ҳўжатлар экспертизадан ўтказилди.
Бундан ташқари, соҳада фаолият олиб бoраётган 1181 на-фар ходим Бош прокуратура ҳузуридаги Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида ўқитилди. Шунингдек, «Коррупцияга қарши курашиш сиёсати» ва шу ҳусусда ўндан ортққ ички идоравий ҳўжатлар ишлаб чиқилиб, вазиpлиқнинг те-гишли буйруғи билан амалиётга жорий этилди. Вазиpлик ва унинг ҳўзуридаги республика ижро ҳўкимияти орган-ларида муҳим вазифалар ҳамда йўналишлар белгилаб оли-ниб, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва ўз вақтида бартараф этиш бўйича тadbirlар, ўқув-семинар-

лар, тренинглар, брифинглар ва давра суҳбатлари уюшти-риб келинмоқда.
Коррупция маълум бир тармоққа эмас, балки амалга оши-рилаётган барча ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу иллатга нафақат соҳада фаолият юритаётган давлат хизматчилари, балки кенг жамоатчилик, барча фуқаролар кескин қаршилик кўрсатиши жоиз.
Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз коррупция-нинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз лозим.
Шу ўринда жамоатчиликдан кишлоқ ҳўжалиги соҳа-сида фаолият юритаётган ходимларнинг қонунчи-ликка зид хатги-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликла-

рига дуч келишса ёхуд уларнинг коррупция ва манфа-атлар тўқнашуви ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан бирон-бир маълумотга эга бўлишса, вазиpликка (алоқа каналлари: anticorruption@agro.uz электрон почтаси, @UZAgroAnticorruptionBot Телеграм боти, 12-43 қисқа рақами, +998712067060 Ишонч телефони, расмий веб-сайт) хабар йўллашларини сўраб қолган бўлардик. Зеро, киш-лоқ ҳўжалиги соҳасида коррупцияга қарши курашишда жамоатчилиқнинг ёрдами биз учун муҳим.

Алишер ШУКУРОВ,
Қишлоқ ҳўжалиги вазири
ўринбосари

Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал.
Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнқамасинлар.

Абдулла Қодирий

ЯНГИ КАСБЛАР АСРИ

у фақат технологиялар эмас,
балки замонавий ўзгаришларга
мослашиш даври ҳамдир

Кечагина сунъий интеллект ҳақида фақат ОАВда ўқиб, фильмларда кўриб юрардик. Бугун эса у бутун жамиятга, ҳар бир соҳага кириб бормоқда. Кўплаб касблар, вазифаларни зўрлик билан эмас, самара билан эгаллаб олмақда.

Бугун сунъий интеллект бир вақтда 10 нафар одамнинг ва-зифасини бажара олади. Бу эса табиий равишда, меҳнат бозорида катта ўзгаришларга сабаб бўлади. Янги соҳалар, янги касблар ва янги талаблар кўпаяди.

Келажақда маълумот энг қиммат ресурсга айланади. Дунёда «data scientist» (Машинавий ўқитиш), «СИ инженер», «машинавий ўқитиш мутахассиси» каби касблар нафақат долларб, балки стратегик аҳамият ҳам касб эта бошлайди. Чунки ҳар бир қарор, бизнес, ҳатто давлат сиёсати ҳам маълумот таҳлилига таянади. Масалан, жорий йилдан бошлаб, глобал ахборот технологиялари бозорида сунъий интеллект мутахассисларига талаб йилига 30 фоиздан ортиқ ўсиб бориши башорат қилинмоқда.

Жамиятда тизимлар рақамлашгани сайин хавфлар ҳам кўпаймоқда. Шунинг учун киберхавфсизлик соҳаси янги асрнинг асосий эҳтиёжларидан бирига айланиб бормоқда. Шахсий ва молиявий маълумотларни ҳимоя қилиш ҳам келажаkning энг долзарб вазифаси ҳисобланади. Шу боис киберхавфсизлик мутахассислари рақамли дунёда посбон вазифасини бажаришпти.

Соғлиқни сақлаш тизимида ҳам инкилобий ўзгаришлар кечмоқда. Биотехнология, ген таҳлиллари, сунъий орган муҳандислиги каби йўналишлар инсон ҳаётини узайтириш, касалликларни барвақт аниқлаш ва табиат билан ўйгунликка яшаш имконини бермоқда. Келажақда биоинженерлар, ген мутахассислари ва биоинформатиклар талаб энг катта касблардан бўлиши шубҳасиз.

Бугунги экологик муаммолар ҳам янги касбларга эҳтиёж туғдирмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбалари, «яшил» иқтисодиёт ва экологик муҳандислик фақат табиатни асраш эмас, балки янги иш ўринлари, янги имкониятлар дегани ҳамдир. Келажақ технологиялар қатори табиат билан ҳам аҳнафас бўлишни талаб қилади.

«Сунъий интеллект кириб келиши, жорий этилиши ва ривожланиши натижасида келажақда қандай янги касблар пайдо бўлади?» деган саволимизга Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти матбуот котиби **Нозим БЎРОНОВ қуйдагича жавоб берди:**

– Сунъий интеллект технологиялари глобал миқёсда меҳнат бозорини тубдан ўзгартирмоқда. Бугунги кунда дунёдаги етакчи компания ва мамлакатларда СИ тизимларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ янги касблар шаклланимоқда. Бу жараён Ўзбекистон учун ҳам дол-

ЭЪЛОМ

Янгийўл туманидаги «**ROZMUXAMMAD – YUSUF-FAYZ**» оилавий қорхонасининг думалок мухри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва жамоаси Федерация аппаратининг Ижтимоий сўғурта бўлими мудир Иноғра Носировна Ишанхановага ақаси Улугбек Носирович ИШАНХАНОВ вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.	Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси Шохидахон Каримовага ақаси Қўшақбой АБУЛОВ вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгашининг Тошкент шаҳар бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори Мухиддин Содиковага ақаси Мўйдинжон СОДИКОВ вафот этгани муносабати билан таъзия изхор этади.	

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нодир манбалари орасидаги «Эски Тошканд арзоқ камитет ишлари» номли газета тахлами диққатимни тортиди. Манбанинг турган ўрнини белгиллаб қўйдим. Абдулла Қодирийнинг шу йўлдаги фаолиятига, одамлар ичида юрган адибнинг қалами нималар битганига ҳаёлим кетди. Тахмин қилиб, унинг XX асрнинг 20-йилларида озиқ кўмитасида ишлаганини ўйлаб юрдим. Ички бир туйғу қайта-қайта шу манбани варақлашга ундади.

«ҲАСРАТИМНИ ЁЗИБ, ЮРАКИМНИ БЎШАТИБ...»

Абдулла Қодирийнинг касабачилик фаолиятига назар

Кутубхонага яна бордим. Нодир бўлимга кирсам, 20-йиллар матбуоти, шахслари ва адабиётлари билимдонни, заҳматқаш олим Сирожиқдин Аҳмад мук тушиб эски газеталардан бирини ўқиб ўтирибди. Кутубхона ходимаси мен сўраган манбани келтирди. Тахминимни Сирожиқдин акага айтдим. Қўлимдаги тахламларни кимдир махсус ўрганганига шубҳа билдириб, ишимга рағбат уйғотди...

Одатда ўзбек матбуоти тарихини ўрганувчилар Зиё Саиднинг «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига матери-аллар» (1870-1927) ҳақида таянади. Китоб қимматли, маълумотларга бой, тартиб ва таснифи маъқул. Бироқ бу асар XX аср бошларидаги бошқа манба ва маълумотлар ҳисобига тўлдирилса, ўзбек матбуоти тарихи нисбатан тўғал бўлади. Дейлик, шунда Абдулла Қодирий биографиясида учрайдиган «Озиқ ишлари» («Эски Тошканд арзоқ камитети ишлари») газетаси ҳам ўша библиографик тарихдан ўрин олади.

“Газетанинг биринчи сони 1918 йил 15 майда чиқади. Ҳафтада бир марта босилиб, дастлаб «Эски Тошканд арзоқ камитети ишлари» (продовольственное дело) деб номланади (1918 йил 15 май, 1-сон – 1918 йил 24 декабрь, 24-сон). «Арзоқ» сўзи «ризқ»нинг кўплиги, маъно ва талаффуз жиҳатидан «озик»қа яқин туради. Шу боис газетани «арзоқ» билан «озик» аралаш келди. Газета «Эски Тошканд озиқ шўъбасининг нашир афкори» сифатида янги 1919 йил 7 январь, яъни 25-сонидан сарглашаси ўзгариб – «Озиқ ишлари» (продовольственное дело) номи билан икки ҳафтада бир марта чиқа бошлайди. Қачонгача давом этгани маълум эмас. Бироқ нодир фонdda Эски Тошкент озиқ шўъбасининг икки хил номланган ушбу газетасининг 1918 йил майдан 1919 йил июлгагача чоп этилган 37 та сони сақланади. Эски Тошканд озиқ шўъбаси аҳолини озуқа билан таъминлаш иши билан шуғулланган эди. Газетани бу хусусида кўплаб маълумотлар бор, албатта.

Газета йиғма жилдининг ички муқовасида шундай муҳим бир ёзув бор: «Ушбу «Озиқ ишлари» газетаси 1-нчисидан 9-нумарасигача Абдулла Қодирий (Жулқунбой) тахрири остида нашр бўлди. Мен 5-нумарасидан бошлаб таржимон ўлароқ ишладим. Сўнг 9-нумарасидан бошлаб... (ўқиш қийин – Б.К.) охиригача биргина ўзим тахририм ила нашр этилди. Мендан бошқа одам ишлаган йўқ. «Озиқ ишлари» газетаси муҳаррири Ҳабибуллаҳўжа Орифхўжаев».

Яхши маълумот. Газетанинг айланим мақола-ларини русчадан ўзбек тилига шу киши таржима қилади; унда «Ҳабибуллаҳўжа» имзоси билан ёзилган мустақил мақолалар ҳам бор. Тахминимизча, айнан Ҳабибуллаҳўжа Орифхўжаев газета тахламларини кутубхонага ўз қўли билан топширган ҳам бўлса керак. Бу журналист ва таржимон тошкентлик шоир Ҳайбатуллахўжа Саййид Орифхўжа ўғли Хислатнинг укаси-дир. Аммо газеталар тахлами кутубхонага қачон топширилгани маълум эмас.

Ҳабибуллаҳўжа Орифхўжаев маълумотларига мос фикрларни Абдулла Қодирий ўзининг «Таржимаи холи»да бундай ёзади: «1918 йилнинг бошларида Эски шаҳар Озиқ камитети бойлар қўлидан олинуб, комитетнинг раислигига ўртоқ Султонхўжа Қосимхўжаев тайин қилнган эди ва мен мазкур комитетнинг ўзбекча саркоотиблигига кирдим. 1919 йилнинг аввалларида Озиқ камитетининг исидан чиқарилмоқчи бўлган «Озиқ ишлари» газетасига муҳаррир бўлиб тайин қилундим...».

Дарҳақиқат, адиб ўзи эътироф қилган айнаи манбани варақлай бошлайман. 1918 йил 6 июнь сонида «М.Абдулла Қ.» имзоси билан «Эски шаҳар озиқ камитетининг ўн бир ойлик ҳисоби муносабати-ла»

номли мақола учрайди. Сўнг 9-иккинчи, учинчи мақолаларга дуч келасан. Ҳ.Орифхўжаевнинг ҳалиги қимматли маълумотидан бир энтиккан одам аҳолини энди тасаввур қилинг. Тўғриси, бундай ҳолатларда ички туйғу ва тахмин тўғрилигидан тилло топгандек шодланасан. Ҳозирга қадар нима сабабдан бу манбалар ўрганилмай чанг босиб ётганидан ўкинасан. Ҳолбуки, газетани ўз вақтида қимматли қалами билан Абдулла Қодирий қатнашган эди.

Биринчи мақоладан ўқиймиз: «Халқ ўн бир ойдан бери каноатланурлик даражада озиқ ололмаганидан ва озиқ камитетининг ишсизлигидан озиқ камитетига яхши қарамай ишончсизликлар билдириб келмоқда эди... Озиқ камитети халққа энг зарур озиқларини ва бошқа нимарасаларни арзон баҳо ила етқуриб бермоқни ўз зиммасига олувчи бир ташкилот эканлиги ҳеч кимга яширин эмас. Биноан алайҳ ҳар бир озиқ ташкилотига мутасадди бўлувчи зотларнинг мазкур жиҳатларга риоя қилиб иш кўрувлари албатта лозимдир...». Бироқ халқнинг оғир моддий-иқтисодий аҳолини яхшилашга қаратилган бундай ижтимоий тадбирлар кўнгилдагидек эмас. Муаллиф сабабини ёзади. Биринчидан, «Ватанимиздаги кун бақун бўлиб турган тартибсизликлар, ўзаро урушлар бошланиб йўлларнинг тўхталуви, Туркистонга тайинланган озиқларни ўз вақтида ета оловчи бўлса керак». Иккинчидан, «бош тақсимий-ларимизнинг арзиманган баҳоналар кўрсатиб, эски шаҳар халқининг ўз нуфусига лойиқ ҳисса бермовларидир... Йўл бузилиб фалла келуви тўхтаган вақтларда эски шаҳар халқи пишиб ўлмоққа мажбур бўлур, аммо топишган озиқларнинг бариси ёлғуз (аёв-лик) Русия даҳасига берилган вақтлар ҳам бўлур эди. Бош тақсимийлар «гарчи аччиғ бўлса ҳам»

Николай замонини унутмоқча, ҳар бир миллатни бир ҳуқуқдаги граждандан ҳисобламоқча ва шунга суялиб иш кўрмоқча албатта лозим эди. Лекин нима сабабдандир текизликча қарши иш кўриб келадилар».

Муаллиф – барча замонлар учун тансиқ бўлган ижтимоий тенглик, адолат ва инсоф билан иш юри-тилиши тарафдор. Бироқ озиқ-овқатларни тақсимловчилар бундай ўлчов-мезонларга амал қилмайдилар. Шунга кўра, яъни «биноан алайҳ биз айбнинг ҳаммасини ўз камитетимиз устига агармайи бош тақсимчилардан ўпқаласак ҳақлорқ бўламиз», деб таъкидлайди. Халққа бир дунё куюқ ваъдалар берган бу «бош тақсимчилар» тизгинни қўлга олиб бўлоқ бошида ўтирган боль-шевиклар экани маълум. Муаллиф гапни: «Озиқ камитетининг янги мутасаддиларининг халқ учун фойдалиқ хизматларини кутувимиз ила баробар мундан сўнг бош тақсимчиларимизнинг текизликча риоя қилиб иш кўрушларини умид қиламиз», деб тугатади.

Газетанинг навбатдаги сонидида босилган «Кунлик озиқ қартичкалари тарқатилув муносабати-ла» номли мақолага «М.А.Қ.» имзоси қўйилган. Унда ҳам халқнинг маиший ҳаёти, турмуш ташвишлари муҳо-кама қилинади; Абдулла Қодирий фикрича, иш бошида турганлар «миллат айирмаси ила иш юритувчи шахслар бўлғони» учун адолатсизликка йўл қўйи-шади. Бунинг натижасида эса «янги шаҳар граждандар бахузур кун кечириб, эски шаҳарликлар ўғай бола қабилиндан очлик-ялонғочлик»да «очликдан ўлмакга мажбур бўлиб келдилар».

Олдинги мақолага мос оҳангда: «Текизлик ва адолат учун жон бериб юрган ҳуқуқимизнинг албатта ваъдасига мувофиқ иш кўрса керак», дейилди охирида. Муаллиф халқ орасида юрган ва унинг ҳол-аҳолини чуқур билиб, ўз элдошлари ҳақини талаб қилаётган



миллатпарвар адиб қиёфасида қўринади; Эски Тошкент билан янги Тошкент аҳлига озиқ-овқатлар тақсимотида, моддий таъминотда адолат ва тенглик ўрнатилишидан умид қилади.

«А.Қ.» имзали «Иқтисодий куч» мақоласи газетанинг изма-из урта сонидида берилади. Унга кўра, Туркистондаги «кооператив ва матлубот исидидаги жамоат дўконлари ўз исмларига лойиқ заррача бўлсин фақир халққа» фойда бермайди; улар аҳолининг маиший-иқтисодий аҳолини яхшилашда Дания, Ирландия, Испания ва Германия каби давлатларнинг тажрибаларига таяниши зарур. Европада фаолият юритган матлубот жамиятлари Европи ва жамиятдаги ўрнига тегишли фикрлари маълумот характерида бўлиб, улар маҳаллий халқнинг маданий савиясини кўтаришга хизмат этади. Кейинги икки сонда босилган ушбу мақоланинг давоми рус тилидан қилинган таржима бўлиши керак; сарлавҳадан кейин қавс ичида «Т.Мамилдовдан» ёзуви бор.

“«М.Абдулла.Қ.», «М.А.Қ.», «А.Қ.» имзолар эгаси Абдулла Қодирий эканига шубҳа йўқ. Зотан, ёзувчи бир муддат Тошкент эски шаҳар Озиқ камитетинида саркотиб, «Озиқ ишлари» газетасида муҳаррир бўлганини таржимаи ҳолида ўзи ёзади. 1918 йили Озиқ кўмитасида ишлаган даврда ёзган икки-моий мақолаларида адиб аҳолининг моддий аҳолидан хабардор, халқ учун қайгурган, моддий таъминотда адолат ва тенгликни талаб этган фаол шахс – журналист қиё-фасида қўринади. Энг муҳими, адиб қалбиди эзгулик бор; янги кундан ободлик, яхшилик умид қилади.

Абдулла Қодирий Озиқ ишлари кўмитасида ишлаган йиллари халқ билан бирга бўлди. Бу ҳамнафаслик адиб ҳаёти ва ижодининг кейинги палласида ҳам давом этди. Адиб ёзади: «1920 йилда касабалар шўросига саркотиб бўлиб кирдим ва Эски шаҳар касабачилик ҳаракати тўғрисида газеталарга хабар ва мақо-лалар ёзуб турдим». Табиийки, касабачилар сафидидаги бу фаолият, мақола ва ҳисоботлар ёзишлари олдинги иш-ининг мантйий давоми эди.

Абдулла Қодирий услубига хос бир жиҳат шуки, озиқ-овқат ёки касабачиликка доир мақолалар тилида «ўткан ишга саловат, дей-дирлар», «исми бор – жисми йўқ», «бир-бирининг орасида осмон ила ерча фарқ кўрулуру», «дардига дармон бўлур» каби таъсирчан ифода ва таъбирлар ўринли ишлатилади. Қисман бўлса-да, бу мақо-лаларда оғир ва машаққатли тари-хий давр руҳи, маиший-ижтимоий ҳаёт манзараси ўз ифодасини топган.

Бу ифода унинг «Қимматчилик ҳасрати», «Думбаси тушиб қолган эмиш» каби кичик фельетонларида ҳам кузатилади. Жулқунбой ачи-ниб, куйиниб, ним табассум ва аччиқ ҳасрат билан қим-матчилик тудайли қийналган одамлар ҳолига оилавий муҳити ҳамда ўз ҳиссий кечинмаларини кўшиб ёзади. Ёзганадирдан фойда бор-йўқлигига қарамайди; ичқари-сини бўшаитишни истайди. «Ҳар ҳолда, ҳасратимни ёзиб, юракимни бўшаитиб олганим учун ўзимни енгил каби сез-моқдман», дейди...

Тўғриси, ҳақиқий қодирийшунослик илми бун-дай митти топилиқлар ҳисобига бойиб боради ва бу соҳадаги изланиш ҳамда янгиланишлар келгусида давом этади.

Давр матбуотидаги қатор ноёб адабий-тарихий манбаларни синчиқлаб ўрганиш, табиийки, доимо халқ ичида юрган Абдулла Қодирийдек фидойи бир миллатпарвар инсон ҳаёт йўлининг бирор бекатини тасаввур қилишга, шунингдек, Туркистон тарихий муҳитида фаолият юритган озиқ кўмитаси, касабачи-лик уюшмаси каби жуда муҳим ижтимоий ташкилотлар ўтмишидан бохабар бўлишга ҳам ёрдам беради.

Баҳоқир КАРИМ,
филология фанлари доктори,
профессор

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Изро Малаков
ижросида

«ҚУРБОН ЎЛАМ» қўшиғи

Келгил, эй, моҳилиқ, хуснингга қурбон ўлам,
Халқайи зулфи паришонингга қурбон ўлам,
Чашми масти лаби хандонингга қурбон ўлам,
Қотди рўйи тобонингга қурбон ўлам,
Қафди шамшоди хиромонингга қурбон ўлам,
Ман сана қурбон ўлам.

Фузуний Ғазали



MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2030-5002

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shog'osim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURDOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehriiddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflik fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xalqar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Gulomjon MIRAHMEDOV

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosilishga topshirilish vaqti – 20:10
Toshpirdi – 20:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: Ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 073 ta
Shundan: 6 076 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 116 nusxasi
«Erdulit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 881 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-1111

1 2 3 4 5 6